

Ўлимдан омондамисиз?



07:02 / 03.01.2019 2374

Абу Алийя айтади: «Бир куни Умар ибн Абдулазиз одамлар билан ўтирган эди. Кун ярим бўлиб, қиздира бошлагач, одамларга: «Мен қайтиб келгунимча шу ерда турунглар» деб, бир оз дам олиш учун ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг ўғли Абдулмалик келиб сўраган эди, одамлар унинг ичкарига кириб кетганини айтишди. Ўғли киришга изн сўради, унга изн берилди. У кириб, отасидан «Мўминларнинг амири, бу ерга нима учун кирдингиз?» деб сўради. «Бир оз дам олмоқчи эдим», деди Умар. Ўғли одоб билан: «Фуқароларингиз эшигингиз олдида кутиб турган ҳолда сизга ўлим келиб қолишидан омондамисиз? Улардан беркиниб олдингизми?» деди. Шунда Умар ибн Абдулазиз бу гапдан сўнг тез ўрнидан туриб, одамлар олдида чиқди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан